

ЖАДИДЛАР ВА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҒОЯЛАРИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бош мутахассиси

Ш.Ахмаджанова

Тарих – бу илм. Давлатлар ва халқларнинг тарихлари ғалабалар билан мағлубиятлардан таркиб топган. Ҳар қандай халқ учун мағлубиятдан кўра яхшироқ илм йўқ. Заифликларимизни тушуниш ва аجدодларимизнинг нотўғри ишларини такрорламаслик учун биз мағлубиятларимиз тарихини ўрганамиз. Жадид ота-боболаримиз қандай бўлишган, қандай муваффақиятларга эришганлар, қасрда хатоликларга йўл қўйганлар? Ушбу воқеалардан қандай сабоқ олишимиз керак? **Жадидизм** – XIX аср охири – XX аср бошларида рус империясида мусулмон (асосан туркий) халқлари ўртасида ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал ҳаракат. XIX асрда рус мусулмонлари орасида, асосан, Волга ва Қрим татарлари, Бошқирлар, қozoқлар ва бошқа Ҳанафий мазҳабига эргашувчи халқлар орасида – ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал ҳаракатлар юзага келиб, у жадидизм номини олди. Бир гуруҳ ислохотчи мусулмонлар бу ҳаракатни тараққиёт- ривожланиш йўлида ишлаш сифатида ўзларининг бурчи деб кўрдилар. Жадидлар таълим ва маърифат билан ҳаракат қилиб, муллалар ва барча иймонлиларга замонавий цивилизация афзалликларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Улар, Европа цивилизацияси мусулмонларга кўрсатган вазифаларни ҳал қилиш учун «ижтиҳод дарвозаларини» очиш зарурлигини таъкидладилар. Жадидизм кенг маънода маърифатни тарғиб қилиш, туркий тиллар ва адабиётларни ривожлантириш, дунёвий фанларни ўрганиш, илмий ютуқларни қўллаш ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракат эди. Жадидизм ғояси намоёндалари (Шигабутдин Маржоний, Хусайин Файзханов, Исмоил Гаспринский, Муса Бигиев, Ризоитдин Фаҳретдинов, Мифтаҳетдин Акмулла, Муҳамадсалим Уметбаев, Заинулла Расулев), Татаристон буржуазиясининг прогрессив вакиллари (Хусаиновлар ва Оренбургдан Рамеэвлар, Троитскдан Яушевлар, С. Назиров ва Уфа шаҳридан Г.Ҳакимов) ва мусулмонлар

диний идоралари вакиллари (З. Камалетдинов, К. Зокир, А. Абубакиров) бўлишган эди. Марказий Осиё (Туркистон)даги Жадидизмнинг машҳур вакиллари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Мажид Қодирий, Абдуллоҳ Қодирий, Абдурауф Фитрат, М. Бехбудий, Файзулла Хўжаев, С. Миржалилов, Хожи Муин Шукруллаев ва бошқалар эди. Жадидлар Европача сиёсий фикрнинг, айниқса конституциявий ғоялар ва Усмонли империясидаги Ёш Туркия ҳаракати фикрлари таъсири остида эди. Уларнинг фикрига кўра, Ислом парламентаризмга зид бўлмай, аксинча аслида, унинг ғоялари Шўрога асосланган бўлиб, Қуроън ва Суннат кўрсатмаларига мувофиқ жамоатчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланган эди. Жадидлар Ислом мусулмонларнинг тарихини танқидий жиҳатдан ўрганишни тақиқламайди деб ҳисоблаб, исломда қолипга солинган маданият тузилмаганлигини инобатга олиб, ўзларининг амалдаги руҳоний етказчиларини мукаммал билим эгалари деб ҳисобламаганлар ва у ёки бу тарихий давр учун ижтимоий тузум тамойилларини излашга мажбур деб ҳисоблаганлар. Жадидизм кенг маънода маърифатни тарғиб қилиш, туркий тиллар ва адабиётларни ривожлантириш, дунёвий фанларни ўрганиш, илмий ютуқларни қўллаш ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракат эди.

Жадидизм ғояси намоёндалари (Шигабутдин Маржоний, Хусайин Файзханов, Исмоил Гаспринский, Муса Бигиев, Ризоитдин Фаҳретдинов, Мифтаҳетдин Акмулла, Мухамадсалим Уметбаев, Заинулла Расулев), Татаристон буржуазиясининг прогрессив вакиллари (Хусаиновлар ва Оренбургдан Рамеэвлар, Троитскдан Яушевлар, С. Назиров ва Уфа шаҳридан Г.Ҳакимов) ва мусулмонлар диний идоралари вакиллари (З. Камалетдинов, К. Зокир, А. Абубакиров) бўлишган эди. Марказий Осиё (Туркистон)даги Жадидизмнинг машҳур вакиллари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Мажид Қодирий, Абдуллоҳ Қодирий, Абдурауф Фитрат, М. Бехбудий, Файзулла Хўжаев, С. Миржалилов, Хожи Муин Шукруллаев ва бошқалар эди. Жадидлар Европача сиёсий фикрнинг, айниқса конституциявий ғоялар ва Усмонли империясидаги Ёш Туркия ҳаракати фикрлари таъсири остида эди. Уларнинг фикрига кўра, Ислом парламентаризмга зид бўлмай, аксинча аслида,

унинг ғоялари Шўрога асосланган бўлиб, Қуроън ва Суннат кўрсатмаларига мувофиқ жамоатчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланган эди. Жадидлар Ислом мусулмонларнинг тарихини танқидий жиҳатдан ўрганишни тақиқламайди деб ҳисоблаб, исломда қолипга солинган маданият тузилмаганлигини инобатга олиб, ўзларининг амалдаги руҳоний етказчиларини мукаммал билим эгалари деб ҳисобламаганлар ва у ёки бу тарихий давр учун ижтимоий тузум тамойилларини излашга мажбур деб ҳисоблаганлар. Жадидизм кенг маънода маърифатни тарғиб қилиш, туркий тиллар ва адабиётларни ривожлантириш, дунёвий фанларни ўрганиш, илмий ютуқларни қўллаш ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракат эди. Жадидизм ғояси намоёндалари (Шигабутдин Маржоний, Хусайин Файзханов, Исмоил Гаспринский, Муса Бигиев, Ризоитдин Фаҳретдинов, Мифтаҳетдин Акмулла, Муҳаммадсалим Уметбаев, Заинулла Расулев), Татаристон буржуазиясининг прогрессив вакиллари (Хусаиновлар ва Оренбургдан Рамеэвлар, Троитскдан Яушевлар, С. Назиров ва Уфа шаҳридан Г.Ҳакимов) ва мусулмонлар диний идоралари вакиллари (З. Камалетдинов, К. Зокир, А. Абубакиров) бўлишган эди. Марказий Осиё (Туркистон)даги Жадидизмнинг машҳур вакиллари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Мажид Қодирий, Абдуллоҳ Қодирий, Абдурауф Фитрат, М. Бехбудий, Файзулла Хўжаев, С. Миржалилов, Хожи Муин Шукруллаев ва бошқалар эди. Жадидлар Европача сиёсий фикрнинг, айниқса конституциявий ғоялар ва Усмонли империясидаги Ёш Туркия ҳаракати фикрлари таъсири остида эди. Уларнинг фикрига кўра, Ислом парламентаризмга зид бўлмай, аксинча аслида, унинг ғоялари Шўрога асосланган бўлиб, Қуроън ва Суннат кўрсатмаларига мувофиқ жамоатчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланган эди. Жадидлар Ислом мусулмонларнинг тарихини танқидий жиҳатдан ўрганишни тақиқламайди деб ҳисоблаб, исломда қолипга солинган маданият тузилмаганлигини инобатга олиб, ўзларининг амалдаги руҳоний етказчиларини мукаммал билим эгалари деб ҳисобламаганлар ва у ёки бу тарихий давр учун ижтимоий тузум тамойилларини излашга мажбур деб ҳисоблаганлар. 1905-йилги инқилобдан кейин Жадидлар конституциявий монархия, маҳаллий бошқарув, умумий овоз бериш ҳуқуқи,

демократик ғоялар ва бошқаларни ҳимоя қилувчи «Иттифақ ал-Муслимин» партиясининг ядросини ташкил этди.

Тўртинчи чақириқ Давлат Думасига сайланган (1907-1917), мусулмон ҳудудларидан депутатлар, шу жумладан руҳонийларнинг вакиллари мусулмонлар фракциясини шакллантирдилар. Бухоро амирлигида “ёш бухороликлар” ҳаракати Жади́дларнинг инқилобий- демократик қанотининг асосига айланди. Шу жумладан, “ёш бухороликлар” XX асрнинг бошларида Жади́длар ҳаракати асосида Бухоро амирлигининг ҳудудида пайдо бўлган миллий-демократик ҳаракатдир. С.В.Чиркиннинг хотираларига кўра, ёш бухороликлар ҳаракати рус мактабларида тахсил олган, нафақат Туркистон, балки ўзларининг савдо юмушлари ва турли фирмалари иши бўйича марказий Россияга тез-тез ташриф буюрган кишилардан иборат эди. Этник жиҳатдан бухороликлар ўзбеклар, тожиклар ва уйғурларнинг турли гуруҳларини, озроқ даражада қозоқлар, қирғизлар ва қорақалпоқларни ўз ичига олган. Асосий тиллари форс ва чигатой тили эди. Бухоро тужжорлари Бухоро амирлигининг чегарасидан ташқарида савдо-сотиқ билан шуғулланиб келганлари учун, Бухоро аҳолисини асосан тижорат одамлари сифатида қабул қилинган. Бу, Марказий Осиёлик ўқимишли ёшларнинг ҳаракати эди. Жади́дларнинг асосий мақсадларидан бири Марказий Осиёни ягона демократик, ривожланган ва гуллаб-яшнаган давлатга айлантириш эди. Барча соҳаларда қолоқ бўлишига, ушбу давлатлар Россия империясининг мустамлакалиги остида бўлиши асосий сабаб эди. “Ёш бухороликлар” рус сиёсий ташкилотлари билан алоқада бўлиб, Бухоро амирлиги демократик ислохотларга муҳтож эканлигини кўрсатиб, жоҳилликка ботган ва маъмурий зўравонлик юки остида жабр кўраётган эди.

Жади́дизмнинг асосий ғоялари ва мақсадлари. Туркистоннинг ўрта аср қолдиқларидан, феодал қолоқлик ва диний фанатизмдан озод этиш ва қутқариш; Ўлкани, халқни ва миллатни тараққиёт ва ривожланиш сари йўналтириш учун «эски услуб» орқали ўрганишни рад этиш; Марказий Осиё ҳудудида ягона давлат тузиш; Конституциявий ва парламент тизими бошқарув услуби билан эркин ва фаровон

жамиятни шакллантириш; Туркий тилларга давлат тили мақомини бериш; Миллий пул бирликлари ва миллий армияни яратиш. Жаидлар ўз мақсадларига эришиш учун Совет Россиясининг большевиклари томонидан берилган ҳарбий ёрдамдан фойдаландилар ва мавжуд режимларни ағдардилар. Фикримча йўқ. Буни тушуниш учун Жаидларга маълумот ва танқидий фикрлашлар етарли бўлмаган. Большевиклар қўлида қўғирчоқлар бўлиб қолаганликларини ўзлари билмас эдилар. Фикримча, манашу ерда жаидлар тузоққа тушган ва хато қилишган. Жаидлар тарихини ўрганишдаги бўшлиқлар булар ҳақида билиб олишга имконият берди. Ҳеч қачон тарихда фатҳ этганлар, ҳокимиятни ўз давлатини босиб олинишига ёрдам берган хоинларга бериб қўйишмаган. Жаидлар, жумладан, Ф. Хўжаев ва А. Икромов бунга 1937 йилда амин бўлишади. Марказий Осиё халқларининг азоб-укубатларида, уларнинг хатоси ҳозирга қадар ўз таъсирини йўқотмаган. Большевиклар Марказий Осиёда ҳукмдорларини ағдариш учун Жаидларга ҳарбий ёрдам кўрсатдилар, аммо янги ташкил этилган давлатларга мустақиллик бермадилар. Жаидларнинг баъзилари қуролли муҳолифатга кетишди, баъзилари Советлар томонига ўтди.

Кремль, бирлашган қуролли муҳолифат Советларга катта зарар етказиши мумкинлигини яхши биларди. Марказий Осиёда муҳолиф кучларни бир-биридан ажратиш учун пухта режа ишлаб чиқди. Марказий Осиёни миллий республикаларга бўлиб ташлаш. Бу халқларни бир-бирига қарши қўйиш ва бу ҳудудда доимий равишда ҳакам сифатида ҳаракат қилиш демакдир. Илгари бир миллатдан иборат бўлмаган Марказий Осиё, миллий квартираларга тириклайин ажратиб ташланди. Бу қуролли муҳолифатнинг бирлигига катта зарба бўлди ва келажакда миллатлараро тўқнашувлар учун бомба яратилган эди. Марказий Осиё мамлакатларига миллатлараро ихтилофнинг уруғлари экилди. Афсуски, Жаидлар бунини тушунмадилар ва Кремльни қўллаб-қувватладилар. Гарчи Ленин ва унинг издошлари омма олдида лаънатлаган бўлса-да, Макиавеллиан сиёсий ёндашуви амалда большевиклар томонидан моҳирона қўлланилди. Мақсад, воситаларни оқлаши Кремль сиёсатчиларининг қўлидаги қурол бўлди. Россия сиёсий

цивилизациясининг навбатдаги «товуши» унинг мафкуравий табиати ҳисобланади. Россия давлат мафкуриси ва сиёсатининг марказида доимо «катта ғоя» мавжуд бўлади. Турли босқичларда у ҳар- хил бўлиб келган. Узоқ вақт мобайнида бу мафкуравий цементлаш асослари православлик дини эди. Кейин коммунизм келди. Энди биз Кремльнинг постмодерн ғоявий аралашмасини қуришга уриниши билан қарши турибмиз. Энг муҳими, рус мафкурасининг тубида, ҳар доим ва олдинроқ, ва айни пайтда энг қийин бўлган ушбу «буюк ғоя»ётади ва бу, ҳокимиятни ифодаловчи ҳокимият ёрдамида сақланиб қолишдир. Россиядаги мафкура этатизмга қарши фақатгина қопқоқдир, унинг асосида олий руҳоний жуфтлик – ҳокимият ва ҳукмдорга сиғиниш ётади.

Туркий халқларни бирлаштириш ғояси кун тартибидан мустаҳкам ўрин олди. Ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд, татар, **туркман** каби негизи битта халқларни бирлаштириш ва шу асосда федератив ёки мухториятли давлат қуриш масаласи бўй кўрсата борди. Аммо, Мунавварқори сўзи билан айтганда, кўпгина кишилар жумҳурият билан мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эди. Хусусан, Туркистон намояндалари **чин** маънодаги республикани барпо этиш ва унинг давлат таркибини ташкил этишга тўлиқ тайёр бўлишмаган. Қozoқ ва **бошқирд** намояндалари — Мустафо Чўқай, Закий Валидий ва б. Петербург уларга ҳеч қачон **мустақиллик** ҳам, мухторият ҳам бермаслигини сезгач, Туркистонга келиб, маҳаллий жади́длар билан бирга иш бошладилар. Миллий марказнинг 1917 й. 12 июнда бўлиб ўтган йиғилишида барча жамият ва уюшмаларнинг Марказий мусулмон депутатлари Шўросига бўйсунуши ҳақида Низом қабул қилинади. Марказнинг мақсади халқнинг энг қуйи қатламлари — мардикор ва деҳқонларга тўлиқ **ҳуқуқ** бериш ва Туркистон мусулмонларини маданий, илмий, иқтисодий ва ғоявий тарбиялаш эди. Жади́дчилик ҳаракатининг сўнгги йиллари фаол сиёсий курашлар билан ажралиб турмайди. Бу даврда совет режими турли сиёсий ишлар («Ўн саккизлар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик» ва б.) тузиб, миллий зиёлиларни оммавий равишда **катағон** қилишга киришди. 1929 й. нояб. да Мунавварқори бошчилигидаги 38 кишининг қамоққа олиниши

(кейинчалик уларнинг сони 87 кишига етган) билан Жадидчилик ҳаракатига кучли зарба берилди. Бироқ истиклол ғояси ўз кучида қолаверди.

Жадидчилик ҳаракати сиёсий маърифатпарварликдан Жадид тараққийпарварлар фирқаси даражасига кўтарила олди. Бу ҳаракат ҳамда фирма аъзолари ўз фаолияти ва дастурига кўра, **шўро** адабиётларида айтилганидек, «бир ҳовуч бойлар манфаатига хизмат қилувчи **либерал буржуазия** вакиллари» эмас, балки Туркистоннинг барча халклари тақдирини ўйлаб иш **кўрган** демократик жараённинг энг саводли, олижаноб намояндалари эди. Туркистонда совет ҳокимияти зўравонлик йўли билан ўрнатилгач, жадидларнинг бир қисми фаол сиёсий ҳаётдан четлашиб, фақат бадиий **ижод** билан шуғулланди (А. Бурҳонов, А. Авлоний, С. **Айний** ва б.). Айрим жадидлар совет идоралари маданий-маърифий шохобчаларида **меҳнат** қилишди (У. Хўжаев, Мунавварқори, Ҳамза, С. Турсунхўжаев, Т. Норбўтабеков ва б.). Баъзи жадидлар «махаллий коммунистлар» сифатида юқори давлат ва **ҳукумат** лавозимларида ишлашни давом эттирди (Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Низомиддин Хўжаев ва б.). Айрим жадидлар бўлса, Туркистондаги истиклолчилик ҳаракати сафларига бориб қўшилди ва хорижга муҳожирликка жўнаб кетди (Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Садриддинхон Шарифхўжаев, Абдулҳамид **Орипов** ва ҳ. к.). Жадидчилик ҳаракатининг барча таникли намояндалари (С. Айнийдан **ташқари**) 30-й. ларда совет мустабид режими томонидан амалга оширилган қирғин натижасида ҳалок бўлди. Жадидчилик ҳаракатига совет даврида «миллатчилик», пантуркизм, панисламизм тамғалари босилиб, ноҳақ қораланди. Жадид адабиётини ўқиш тақиқланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари номига епиштирилган тавқи лаънат ва сохта ёрликлар олиб ташланиб, уларнинг асл номлари қайта тикланди. Тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, файласуф, ҳуқуқшунос, санъатшунос ва педагог олимлар жадидларнинг бой илмий ва адабий меросини ўрганишда дастлабки натижаларни қўлга киритишди. Мустақиллик йилларида Фитрат, Чўлпон, А. Авлонийнинг 2 жилдли, Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Сидқий Хондайлиқий, Иброт, Ажзий, Сўфизоданинг 1 жилдли,

шунингдек, Файзулла Хўжаев, Мунавварқори, П. Юсуповнинг асарлари чоп қилинди. Жадидларнинг 20 та машҳур вакили киритилган «Унутилмас сиймолар. **Жадидчилик** ҳаракатининг намояндалари» (Т., 1999) альбом-китоби нашрдан чикди. Уларнинг серқирра фаолияти **дарслик** ва қўлланмаларга киритилди. 1999 й. 16— 18 сент. да Тошкентда «**Марказий Осиё** 20-а. бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, **тараққиёт** ва мустақиллик учун кураш (Ж., Мухториятчилик, Истиқлолчилик)» мавзуида халқаро **конференция** ўтказилиб, унда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Туркия, Россия, **Ҳиндистон** ва б. мамлакатлардан келган нуфузли олимлар Жадидчилик ва истиқлолчилик ҳаракатлари тўғрисида жаҳон илм-фанида тўпланган сўнгги хулосалар юзасидан ўзбекистонлик ҳамкасблари б-н ўзаро фикр алмашдилар. Жадидчилик ҳаракати жаҳоншумул аҳамиятга молик ҳодиса эканлиги эътироф қилинди. Конференцияда ушбу муаммони тадқиқ қилувчи халқаро **илмий кенгаш** тузилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 1987; Мустафо Чўқай ўғли, **Истиқлол** жаллодлари,
2. 1992; Чўлпон, Асарлар, 1 — 2-ж. лар,
3. 1994; Ражабова Р. ва б., Ўзбекистон тарихи (1917-1993 й.)
4. 1994; Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар
5. 1997; Валидий, Бўлинганни **бўри** ер (Хотиралар), Т.,
6. 1997, Авлоний А., Танланган асарлар, 1—2-ж. лар, Т.,
7. 1998; Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар,
8. 1998; Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш,